



Нажот – таълимда



“ҲАЛОЛЛИК ВАКЦИНАСИ”ГА

МУҲТОЖМИЗ

Музаффар ота пойтахтда яшайдиган ўғли-ю, набираларини жуда-жуда соғинди. Телефонда гаплашиб турган бўлса-да, кўнгли жойига тушмади. Уларни ўз кўзи билан кўргиси, бағрига босиб, дийдорларига тўйгиси, қикир-қикир кулишларидан хузур қилгиси келди. Бахонада оёқларининг чигилини ёзиб, ўғли билан гурунглашиб қайтмоқни ихтиёр этди.

Бундан кампирини огоҳ этиб, йўл тадоригини кўрди. Жума оқшом йўлга чиқишни ниёт қилиб, сартарошга борди. Соч-соқолини текисла-тиб, бозордан ҳолва, майиз, ёнғоқ, бодом харид қилди. Ёнига олма, анор, узум қўшди. Бир халта бўлди. Кампирининг набираларига тайёрлаб қўйган совға-саломлари билан яна бир халта тўлди. Кичик ўғли поездга чиқариб қўйди. Туни бўйи тақа-туқлаб, йўл юрса ҳам мўл юрган поездда тебрана-тебрана саҳарлаб шаҳри азим – Тошкентнинг улуғвор вокзалига келиб тушди.

Автобус бекатига келди. Ана, деди у кетма-кет келиб турган автобусларга ҳавас билан қарар экан, беминнатгина. Давлатимдан айланай. Бир минг тўрт юз сўмгина билан олиб бориб қўяди. Бунга нима етсин. Шаҳарни томоша қилиб боргунимча набираларим ҳам уйқудан туриб бўлишади.

Шаҳзод мактабга топширилиши керак бўлган китобларни йиғар экан, беихтиёр кишлоқда ўтган кунлари ёдига тушиб, соғинч билан хўрсиниб қўйди. Шу топда кўча эшиги тақиллаб, эркак кишининг овози эшитилди. Шаҳзод балки, бобом келгандирлар деган ўй билан хонасидан чиқиб, кўча эшигини очди. Рўпарасида жилмайиб турган оқ ятаклик нуроний отахонни кўриб, бобом келдилар, бобожоним келдилар дея қийқариб юборди.

Кечкурунги тановулдан сўнг, бир пиёла чой устидаги гурунги кишлоқдаги янгиликлардан бошланди.

– Худога шукур, меҳнат қилган одам кам бўлаётгани йўқ, – завқланиб кетди Музаффар ота. – Илгари бир оилада кўп бўлса 15-20 тадан ортиқ товуқ бўлмаган. Бугун Фазлиддин фермер тўрт мингдан зиёд товуқ боқаяпти. Икки қаватли бино қуриб, замонавий қилиб жиҳозлади. Ҳақиқий паррандачилик фабрикаси дейсан. Бу ўз-ўзидан бўлгани йўқ, албатта. Меҳнат билан бўлди. Токка чикмасанг дўлана қайда деганларидек, бу йигит кишни киш, ёзни ёз демай, елиб-югурди. Роса кийналди ҳам. Аммо, бу менинг ишим эмас экан, деб кочмади. Паррандачилик қанчалик нозик бўлмасин, кунт билан ўрганди. Катта-катта олимлар билан учрашиб, товуқчиликнинг миридан сиригача билиб олди. Билганларини оила аъзоларига ўргатди. Мана, энди роҳатини кўраяпти. Ўғил-қизини ўқитди, уйли-жойли қилди. Энг муҳими, саккиз-ўн одам иш билан банд. Улар ҳам нолиётгани йўқ. Ҳаракатда баракат дегани шуда ўғлим.

– Ҳа, айтганча, – давом этди ота нимадир ёдига тушгандай кулимсираб, – шаҳарликларни чув тушириб юрган Мишабойнинг миси чикди.

– Йўғ-е, ажабланиди ўғил. – Ростданми?

(Давоми 8-саҳифада)



БАҒРИКЕНГЛИКСИЗ ТИНЧЛИК БЎЛМАЙДИ

Бугунги кунда зўравон экстремизм ва радикализмнинг олдини олиш, унга қарши курашиш нафақат алоҳида давлатларнинг, балки жаҳон ҳамжамиятининг энг асосий ва долзарб вазифаларидан бирига айланган, десак муболаға бўлмайди. Ҳозирги кунда дунё ҳамжамияти мураккаб босқичдан ўтмоқда.

Эски дунё тартиботининг бузилиши ва янгисининг вужудга келиши ниҳоятда кескин ҳолатда кечмоқда. Бундай тарихий бир дамларда, жаҳонда юз бераётган сиёсий, ҳуқуқий ва иқтисодий воқеаларни тўғри таҳлил этиш ҳамда уларга ҳолисона баҳо бериш ниҳоятда муҳимдир.

Бу ҳақда сўз кетганда, дунёда ақидапарастлик ва экстремизмга қарши кураш масаласи долзарб бўлиб қолаётганлигини таъкидлаш жоиз. Бундан Ўзбекистонимиз ҳам мустасно эмас. Ўзбекистон азалдан турли миллатга мансуб, турли динларга эътиқод қилувчи халқлар тинч-то-тув яшаган ўлка бўлиб келган. Аждодларимиз бошқа дин вакилларига доимо ҳурмат билан муносабатда бўлгани, Ватан тараққиёти йўлида елкадош бўлиб меҳнат қилгани тарихий манбаларда кўп қайд этилган.

Бугунги кунда Ўзбекистон аҳолисининг 94 фоизидан ортиғи Ислом динига эътиқод қилади. Мамлакатда 130 дан ортиқ миллат вакиллари истиқомат қилиб, 16 та диний конфессияга мансуб 2241 та диний ташкилот, шу жумладан, Имом Бухорий халқаро маркази, Имом Термизий халқаро илмий-тадқиқот маркази, Ўзбекистондаги Ислом маданияти маркази, Имом Бухорий номидаги Тошкент Ислом институти, Мир Араб Олий мадрасаси, 9 та ўрта махсус Ислом билим юрти, православ ва протестант семинариялари фаолият олиб бормоқда. Шунингдек, Ўзбекистон халқаро Ислом академияси ҳам тобора дунёга машҳур бўлиб бормоқда.

Ўзбекистоннинг турли ҳудудларида қад кўтарган бири-бирдан гўзал масжидлар мусулмонларимиз учун ажойиб ва бетакрор тухфа бўлди. Улар қаторида пойтахтдаги “Минор”, “Ислом ота”, Сурхондарё “Ҳазрати Имом”, “Имом Бухорий”, “Баҳоуддин Нақшбандий”, “Имом Мотуридий”, “Ҳаким Термизий”, “Имом Термизий” каби буюк аждодларимизнинг мажмуалари, Рус православ черкови “Свято-Успенск” кафедрал собори, Рим-католик черкови костели, Евангел-лютеранлар кирхаси ва бошқа диний объектлар тўлиқ қайта таъмирдан чиқарилиб, кенг фаолият юрита бошлади. Бугунги кунда Тошкент шаҳрида қурилаётган Ислом цивилизацияси маркази эса уни кўрган ҳар қандай одамда катта таассурот ва ҳайрат уйғотади.

Мустақиллик йиллари диний таълим тизимини яратиш ва ривожлантириш йўлида тизимли ишлар амалга оширилди. Сўнгги пайтларда диний таълим соҳада олиб борилаётган ислохотларнинг узвий давоми сифатида Ислом динининг инсонпарварлик моҳиятини очиб бериш, жаҳолатга қарши маърифат билан курашиш, ёш авлодни гуманистик ғоялар, миллий ғурур ва ифтихор руҳида тарбиялаш, Ўзбекистон заминидан етишиб чиққан буюк аллома ва мутафаккирлар меросини ўрганиш, Ислом таълимотининг турли йўналишларида чуқур илмий-тадқиқотлар ўтказишни ташкил этиш борасида сермахсул ишлар ташкил этилмоқда.

(Давоми 2-3-саҳифаларда)

БАҒРИКЕНГЛИКСИЗ

(Боши 1-саҳифада)

ТИНЧЛИК БЎЛМАЙДИ

Ўзбекистон Президентининг ташаббуси билан Самарқандда Имом Бухорий ёдгорлик мажмуаси қошида Имом Бухорий халқаро илмий-тадқиқот маркази, Термиз шаҳрида Имом Термизий илмий-тадқиқот маркази, Бухорода Мир Араб Олий мадрасаси, Тошкент шаҳрида Ўзбекистондаги Ислом маданияти маркази фаолиятини ташкил этилиш юқоридаги эзгу мақсадларга, шунингдек, маънавий-ахлоқий янада юксалтириш, жамиятимизда тинчлик ва осойишталик, ижтимоий барқарорлик, ўзаро аҳиллик ва тотувлик муҳитини кузайтиришга хизмат қилади.

Ўзбекистонда конфессиялараро мулоқот маданиятини ривожлантириш учун Дин ишлари бўйича қўмита ҳузурида Конфессиялар ишлари жамоатчилиги кенгаши ташкил этилган бўлиб, унинг таркибига республикадаги кўп сонли диний конфессиялар этакчилари кирган. Мустақил Ўзбекистон Республикасининг қонунчилиги халқаро ҳуқуқ нормалари шартларига тўлиқ жавоб бера оладиган ҳуқуқий пойдевор яратган. Мустақиллик йилларида 60 мингдан зиёд Ўзбекистон Республикаси фуқаролари Саудия Арабистонига Ҳаж маросимига ва 1000 дан ортиқ фуқаролар христиан ва яҳудийлар учун муқаддас бўлган Россия, Греция ва Исроилдаги масканларни зиёрат қилишга муваффақ бўлдилар. Давлат томонидан зиёратчиларга ҳар томонлама ёрдам кўрсатилмоқда – махсус самолётлар ажратилмоқда, уларга тиббий ёрдам кўрсатилмоқда, хорижий валютани алмаштиришда ҳамда республикадан чиқиш ва мамлакатга кириш визаларини расмийлаштиришда имтиёзлар берилмоқда. Республикада Куръони карим, Қадимги Аҳднинг 16 китоби ва Янги Аҳд тўлиқлигича ўзбек тилига таржима қилиниб, нашр этилди. Юзлаб масжид, черков ва ибодатхоналар, шу жумладан, Тошкент, Самарқанд ва Навоийдаги православ ибодатхоналари, Тошкентдаги католик костёли, Самарқанддаги Арман черкови қурилди ва таъмирланди. Бугунги кунда Ўзбекистон мусулмонлари идораси, Қорақал-

поғистон мусулмонлари қозиеги, Тошкент Ислом институти, 9 мадраса ва 2038 масжид фаолият олиб бормоқда.

Албатта, бугун Ўзбекистонда амалга оширилаётган барча ишлар мамлакатда ҳукм сураётган тинчлик ва осойишталикка асосланади. Таассуфки, бугунги кунда жаҳонда рўй бераётган воқеалар ёвуз кучлар ва бузғунчи мафкуралар умуминсоний хавфсизликка, халқларнинг эркин ва тинч ҳаёт кечиришларига таҳдид солаётганидан далолат бермоқда.

Президент Шавкат Мирзиёев 2017 йил 15 июнь куни бўлиб ўтган “Ижтимоий барқарорликни таъминлаш, муқаддас динимизнинг софлигини асраш – давр талаби” мавзусидаги анжуманда сўзлаган нутқида таъкидлаганларидек: “Ислом фақат нурли ҳаётга, илм-маърифатга, яхшиликка ундайди. Ҳеч қачон хунрезлик, қотиллик, зўравонликка чақирмайди. Ана шу ҳақиқатни тан олмасдан, сохта ғояларга алданиб, зарарли оқимларга кириш, террорчи бўлиш – бу Ўзбекистон халқига мутлақо тўғри келмайди”.

Бугунги кунда дин ишлари бўйича қўмита давлат, жамоат ва диний ташкилотлар билан ҳамкорликда жамиятда диний экстремизм ғоялари тарқалишининг олдини олишга қаратилган ишларни тизимли амалга ошириб келмоқда. Ушбу ишлар ОАВда чиқишлар, қўлланма ва буклетлар тайёрлаб, жамоатчиликка етказиш, аҳолининг барча ижтимоий қатламлари билан турли форматларда учрашувлар уюштириш, диний-маърифий сайтларда ақидапараст оқимларнинг ахборот хуружига қарши муносиб жавоб бериш шаклларида амалга оширилмоқда. Мазкур тадбирларда диний уламолар фаол иштирок этмоқдалар. Медиа йўналишидаги янги диний-маърифий тадбирлар қаторида ЎМИ сайтнинг “Facebook” ижтимоий саҳифасида диний соҳадаги долзарб мавзуларда машғулотлар ташкил этилганини, йирик масжидларда жума маърузаларининг он-

лайн намойиши йўлга қўйилганини кўрсатишимиз мумкин.

Республикамизнинг барча ҳудудларида ўсиб келаётган авлодни илм ва ҳунар эгаллашга чорлаш, уларни мутаассиб ғоялардан ҳимоя қилишга алоҳида эътибор қаратилиб, мазкур жараёнга кенг жамоатчилик жалб этилмоқда.

Алоҳида қайд этишимиз бўлган натижадор ишлар сифатида сўнгги йилларда адашиб ёт оқимлар таъсирига тушиб қолган фуқароларимизни сохта ғоялар таъсирига тушиб қолганликларини тушунтириш, астойдил пушаймон бўлганларга ишонч билдириб, жамият учун фойдали тинч ҳаёт йўлига қайтариш, зарур ёрдам кўрсатиш, тўғри йўлга қайтариш мақсадида амалга оширилаётган ишларни қайд этишимиз лозим.

Давлатнинг динга муносабатидаги асосий хусусияти – диннинг сиёсатга аралашмаслиги. Зеро, ҳар қандай дин биринчи ўринда маънавий-ахлоқий юксалишни ўз ичига олади. Диний экстремизм ва муросасизликка қарши мафкуравий курашнинг муҳим омили сифатида ёшларда бағрикенглик маданиятини шакллантириш экани қайд этилди ҳамда бағрикенглик маданиятини камол топтириш йўллари, имкониятлари ва бу борадаги устувор вазифалар ёритиб берилди. Тинчликсиз тараққиёт ва демократия бўлмагани каби, бағрикенгликсиз тинчлик ҳам бўлмайди.

2021 йил 1 июл куни «2021-2026 йилларга мўлжалланган экстремизм ва терроризмга қарши курашиш бўйича Ўзбекистон Республикаси Миллий стратегиясини тасдиқлаш тўғрисида»ги Президент фармони қабул қилинди. Фармон билан «2021-2026 йилларга мўлжалланган экстремизм ва терроризмга қарши курашиш бўйича Ўзбекистон Республикаси Миллий стратегиясини амалга ошириш юзасидан қабул қилинган «йўл харитаси»га кўра, қуйидагилар стратегиянинг устувор йўналиш ва мақсадлари этиб белгиланди:

экстремизм ва терроризм ғоялари тарқалишининг олдини олиш мақсадида ватанпарварлик, анъанавий кадриятлар ва бағрикенглик мафкурасини тарғиб қилиш;

воёга етмаганлар ва ёшлар орасида экстремизм ва терроризм ғоялари тарқалишининг олдини олиш;

аёллар ҳуқуқларини ҳимоя қилиш ҳамда уларнинг экстремизм ва терроризмга қарши курашишдаги ролини кучайтириш;

узок муддат хорижда бўлган фуқароларни экстремизм ва терроризм ғоялари таъсиридан ҳимоя қилиш;

Интернет жаҳон ахборот тармоғидан экстремистик ва террорчилик мақсадларида фойдаланишга қарши курашиш;

фуқаролик жамияти институтлари ва оммавий ахборот воситаларини экстремизм ва терроризмга қарши курашишга кенг жалб қилиш;

экстремистик ва террорчилик ҳаракатларини содир этганлик ҳамда уларни молиялаштирганлик учун ҳуқуқий таъқиб ва жавобгарликка тортиш чораларини такомиллаштириш;

экстремизм ва терроризмга қарши курашиш соҳасидаги норматив-ҳуқуқий базани такомиллаштириш;

ушбу соҳадаги халқаро ва минтақавий ҳамкорликни ривожлантириш.

Ҳужжатда маълум қилинишича, ҳуқуқат бундан кейин ҳам диний сабабларга кўра бузғунчи мафкуралар таъсиридан жабр кўрган шахсларга ҳар томонлама ёрдам кўрсатишда давом этади.

Шунингдек, ҳужжатда аҳолининг ҳуқуқий маданияти ва маърифатини ошириб бориш, диний соҳада диний ва дунёвий билимларни эгаллаган, фуқаролар орасида диний асосдаги экстремизм мафкурасига қарши иммунитетни шакллантира оладиган юқори малакали кадрларни тайёрлаш ва оммавий ахборот воситаларини экстремизм ва терроризмга қарши курашиш ишларига фаол жалб этиш белгиланган.

Ўзбекистон БМТнинг Глобал аксилтеррор стратегиясини қўллаб-қувватлаган, терроризм ва диний экстремизмга қарши курашиш бўйича 14 та халқаро конвенция ҳамда протоколни ратификация қилган. Бундан ташқари, бу борада Ўзбекистонда “Экстремизмга қарши курашиш тўғрисида”, “Терроризмга қарши кураш тўғрисида”, “Жиноий фаолиятдан олинган даромадларни легаллаштиришга, терроризмни молиялаштиришга ва оммавий қирғин қуролини тарқатишни молиялаштиришга қарши курашиш тўғрисида”ги қонунлар ҳамда бошқа норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар қабул қилинган.

Маълумки, БМТ Инсон ҳуқуқлари бўйича кенгашининг 47-сессияси доирасида 2021 йил 5 июль куни “Сурия ва Ироқдан олиб келинган аёллар ва болаларнинг реабилитацияси ҳамда реинтеграцияси” мавзусида ташкил этилган онлайн-тадбирда Ўзбекистон вакиллари иштирок этди. Мазкур семинарда Суриянинг шимоли-шарқий қисмида жойлашган “Ал-Ҳол” ва “Рож” лагерларида қарийб 70 минг инсон – 57 давлат фуқаролари ҳисобланувчи асосан аёллар ва болалар оғир аҳволда сақланаётгани ташвиш билан қайд этилди.

Шуни алоҳида таъкидлаш жоизки, Ўзбекистон 2019 йилдан буён Сурия, Ироқ ва Афғонистондаги аёллар ва болаларни қайтариш бўйича бешта «Меҳр» операциясини ўтказди. Мажароли ҳудудлардан мамлакатга жами 531 нафар киши олиб келинди.

Жаҳон ҳамжамияти Ўзбекистоннинг ўз фуқароларини мажаро зоналаридан, шу жумладан Ироқ ва Суриядан ватанига қайтариш ва реинтеграцияси бўйича ҳаракатларини олқишлади. Бундай саъй-ҳаракатларда Ўзбекистон каби фаоллик кўрсатган мамлакатлар кам экани эътироф этилди.

Халқаро экспертларнинг фикрича, бу саъй-ҳаракатлар болаларни жабрланувчилар сифатида тан олишга ҳамда болалар ва аёллар учун гендер масалалари инobatта олинган ҳамжамиятлар даражасидаги реинтеграция дастурлари ёрдамида уларнинг шахсий манфаатларини ҳимоя қилиш зарурлигига асослангани билан ниҳоятда аҳамиятлидир.

Ватанига қайтиб келган болалар, аёллар ва оилаларнинг жамиятга қайтадан интеграциялашуви, бир томондан, уларнинг ижтимоий жиҳатдан яққаланиб қолишига барҳам берса, иккинчи томондан, жамиятда камбағалликни камайтириш орқали тинчлик ва барқарорликни мустаҳкамлайди.

Дилшод ИБРОҲИМОВ,
"Мулоқот" жамоат
бирлашмаси ижрочи
директори

Ўзбекистон – Қатар:

ЎЗАРО МУНОСАБАТЛАРДА ЯНГИ ДАВРНИ БОШЛАБ БЕРГАН ТАРИХИЙ ТАШРИФ

Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёевнинг таклифига биноан Қатар Давлати Амири шайх Тамим бин Ҳамад Ол Соний 5-6 июнь кунлари давлат ташрифи билан мамлакатимизда бўлди.

Икки давлат ўртасида дипломатик муносабатлар ўрнатилганига 25 йилдан зиёд вақт ўтган бўлса-да илк бор амалга оширилган мазкур давлат ташрифига кейинги йилларда жадал ривожланиб бораётган ҳамкорлик натижаси сифатида алоҳида эътибор қаратилди. Томонлар ташрифга жуда катта тайёргарлик кўрди, имзоланадиган салмоқли ҳужжатлар тўплами тайёрланди.

Қатар Давлати Амирини 5 июнь куни Самарқанд халқаро аэропортида давлатимиз раҳбари кутиб олди. Олий мартабали меҳмонга юксак хурмат-эҳтиром кўрсатилди.

Ташрифнинг асосий тадбирлари 6 июнь куни Самарқанд шаҳрида Қатар раҳбарини расмий кутиб олиш маросимидан бошланди.

Конгресс маркази олдидаги майдонда фахрий қоровул саф тортиди.

Ўзбекистон Президенти олий мартабали меҳмонни самимий кутиб олди ва шоҳсупага таклиф қилди.

Ҳарбий оркестр икки мамлакат мадҳияларини ижро этди.

Давлат раҳбарлари фахрий қоровул сафи олдида ўтиб, расмий делегация аъзоларини кутлади.

Шундан сўнг Конгресс марказида Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёев ва Қатар Давлати Амири шайх Тамим бин Ҳамад Ол Сонийнинг олий даражадаги музокаралари бўлиб ўтди.

Сиёсий мулоқот ва маданий-гуманитар алмашинувни янада ривожлантириш, савдо-иқтисодий ва инвестициявий ҳамкорликни кенгайтириш масалаларига алоҳида эътибор қаратилди.

Учрашув аввалида Қатар Амири давлатимиз раҳбарига ташриф билан келиш таклифи ҳамда Қатар делегациясига кўрсатилаётган илиқ ва самимий қабул учун миннатдорлик билдирди.

Дипломатик муносабатлар тарихида биринчиси бўлган ушбу олий даражадаги ташриф икки томонлама ҳамкорликда янги босқични бошлаб бериши ҳамда уни кенг қамровли шериклик даражасига кўтаришга хизмат қилиши қайд этилди.

– Биз Қатарни нафақат Яқин Шарқ минтақасида, балки бутун араб-муслмон оламида ўзимизнинг истиқболли ҳамкоримиз сифатида биламиз. Сиз билан сўнгги йиллардаги мулоқотларимиз боис муносабатларимизда катта силжиш кузатилмоқда, – деди давлатимиз раҳбари.

Жорий йилда Тошкент шаҳрида Қатар элчихонаси очилгани икки томонлама ҳамкорликни фаол илгари суришда муҳим ўрин тутгани таъки-

дланди. Қатар томони Дохада Ўзбекистон элчихонаси очилиши ушбу жараёнга кучли суръат бағишлашига ишонч билдирди.

Томонлар ўзаро савдо кўрсаткичларини янада яхшилаш, қўшма инвестиция лойиҳалари ва савдо шартномаларини амалга оширишга тайёр эканликларини таъкидладилар.

Қатарнинг етакчи компаниялари энергетика, газ-кимё саноати, қишлоқ хўжалиги, инфратузилма, логистика, туризм ва бошқа тармоқларда умумий қиймати 12 миллиард доллардан зиёд йирик инвестиция лойиҳаларини амалга оширишда иштирок этиши юзасидан келишувга эришилди.

Истиқболли лойиҳаларни қўллаб-қувватлаш мақсадида шу йил сентябрь ойида Ўзбекистон – Қатар инвестиция форумини ўтказиш ҳамда қўшма лойиҳаларни молиялаштириш механизмларини яратиш масаласини кўриб чиқиш таклиф этилди.

Давлат раҳбарлари Марказий Осиёни Кўрфаз мамлакатлари билан боғлайдиган энг қисқа, ишончли ва хавфсиз йўлакларни шакллантириш муҳимлигини қайд этдилар.

Маданият, таълим ва туризм соҳаларидаги алмашинувларни фаоллаштиришга қаратилган саъй-ҳаракатларни ҳар томонлама қўллаб-қувватлашга, шу жумладан, биргаликда маданият кунлари, концерт дастурлари, кўрғазмалар, хунармандчилик ва пазандачилик намойишларини ўтказишга келишиб олинди. Мамлакатларимиз пойтахтлари ўртасида йўлга қўйилиши режалаштирилаётган мунтазам авиақатновлар ишбилармонлик алоқалари ва ўзаро сайёҳлар оқимининг ортишига хизмат қилиши таъкидланди.

Глобал ва минтақавий аҳамиятга молик долзарб масалалар юзасидан ҳам фикр алмашилди. Томонлар Афғонистонга нисбатан прагматик сиёсат юритилиши, мамлакат иқтисодиётини қўллаб-қувватлаш ва афғон халқига инсонпарварлик ёрдами кўрсатилиши муҳимлигини таъкидладилар.

Шу маънода, Трансафғон темир йўлини барпо этиш бўйича стратегик лойиҳани амалга оширишни биргаликда илгари суриш истиқболлари кўриб чиқилди.

Учрашув сўнггида шайх Тамим бин Ҳамад Ол Соний давлатимиз раҳбарини Қатарга ташриф билан келишга таклиф қилди.

Олий даражадаги музокаралар яқунлангач, Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёев ва Қатар Давлати Амири шайх Тамим бин Ҳамад Ол Соний ҳузурда сав-

до-иқтисодий, инвестициявий, маданий-гуманитар ва бошқа соҳалардаги ҳамкорликни ривожлантириш ва мустаҳкамлашга қаратилган 15 та икки томонлама ҳужжатни имзолаш маросими бўлиб ўтди.

Жумладан, қуйидагилар қабул қилинди:

– Инвестицияларни ўзаро рағбатлантириш ва ҳимоя қилиш тўғрисида ҳукуматлараро битим;

– Икки томонлама солиққа тортишнинг олдини олиш ҳамда даромад ва мулк солиқларини тўлашдан бош тортишни бартараф қилиш тўғрисида ҳукуматлараро битим;

– Божхона ишларида ўзаро кўмак кўрсатиш тўғрисида ҳукуматлараро битим;

– Меҳнат муносабатлари соҳасида ҳамкорлик тўғрисида ҳукуматлараро битим;

– Дипломатик паспорт эгаларини виза талабларидан озод этиш тўғрисида ҳукуматлараро битим;

– Олий таълим ва илмий тадқиқотлар соҳасида ҳамкорлик тўғрисида ҳукуматлараро меморандум;

– Маданият соҳасида ҳамкорлик тўғрисида ҳукуматлараро меморандум;

– Савдо соҳасида ҳамкорлик тўғрисида меморандум;

– Қишлоқ хўжалиги ва озиқ-овқат соҳасида ҳамкорлик тўғрисида меморандум;

– Ўсимликлар карантини ва ҳимояси соҳасида ҳамкорлик тўғрисида меморандум;

– Спорт ва ёшлар ишлари соҳасида ҳамкорлик тўғрисида меморандум;

– Тошкент ва Доха шаҳарлари ўртасида ҳамкорлик тўғрисида меморандум.

Шунингдек, ташқи ишлар ва адлия вазирликлари ўртасида 2023-2025 йилларга мўлжалланган ҳамкорлик дастурлари ҳамда Устувор инвестиция лойиҳаларини молиялаштириш учун қўшма платформа яратиш тўғрисида келишув имзоланди.

Шундан сўнг Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёев ва Қатар Амири шайх Тамим бин Ҳамад Ол Соний Самарқанддаги Конгресс маркази боғида биргаликда дарахт эқдилар.

Бу Ўзбекистон билан Қатар ўртасидаги кўп қиррали муносабатларда янги босқич бошлангани ва етакчиларнинг халқларимиз дўстлигини мустаҳкамлаш йўлидаги қатъий интилиши рамзидир.

Шу билан Қатар Давлати Амири шайх Тамим бин Ҳамад Ол Сонийнинг Ўзбекистонга давлат ташрифи яқунланди.

Зиёдулла ЖОНИБЕКОВ,
Ғолиб ҲАСАНОВ,
ЎЗА мухбирлари

НЕГА ФАҚАТ ЎЗИМИЗНИ ЎЙЛАЙМИЗ?



Республикамизнинг барча ҳудудларида бўлгани каби Жиззах шаҳрида ҳам бугунги кунда катта ўзгаришлар бўлмоқда, Бундан 10-15 йил олдин Жиззах шаҳрига келган одамнинг йўли яна шу томонга тушса, бу ердаги ўзгаришларни кўрмаслигининг иложи йўқ. Кенг ва текис кўчалар дейсизми, баланд кўп қаватли замонавий кўринишда қурилган уйлар дейсизми, мухташам савдо марказлари дейсизми, ҳуллас, яшашимиз учун шахримизда барча шароитлар бор.

Жамоат транспорти сифатида хизмат кўрсатаётган автобуслар ҳам шахримиз кўркига мос, замонавий автобуслар билан таъминланган. Бу автобусларга ҳар қандай одам ҳеч иккиланмасдан чиқиши мумкин, чунки йўналишларга қўйилган автобусларимизнинг ҳолати жуда яхши.

Барча хангома автобусга чиққанингиздан кейин бошланади. Автобус ҳайдовчиси кўчанинг четида турган ҳар бир одамни сигнал босиб, иложи бўлса овози билан – “Кетасизми...” деб сўрайди, кўчада турган битта одам қўлини кўтарса бас, автобусни тўхтатиб уни олади. Ҳайдовчи бу ҳаракати билан автобусдаги 30 нафар атрофидаги одамларнинг вақтини олади ва иссиқ кунларда ўзингиз бу ҳолатни тушунасиз. Энди – “шаҳар кўчасининг четида одам кўринмаса тўхтамасак керак, бекатда тўхтармиз” деб ўйлаган пайтингизда автобусдаги ўттиз нафар йўловчилардан бири – “тўхтатиб юборинг, тушиб қолайлик” дейди. Албатта автобус тўхтади ва ҳалиги йўловчи, ёшгина бола экан, у тушади, автобус қўзғалганига йигирма метр бўлар-бўлмас яна бир

йўловчи тушиб қолишини сўрайди ва яна тўхтаймиз, бу ҳам ёш бола экан қарасак. Тасаввур қилинг, автобус ичидаги ўттиз нафардан зиёд йўловчини ўзлари хоҳлаган жойга тўхтаб тушириб кетиш учун бу автобус охири манзилган етгунча тахминан ўттиз марта тўхташи керак бўлади. Лекин ҳали кўчадан хоҳлаган жойда туриб қўл кўтариб автобусга чиқадиганлар ҳам бор, ҳуллас автобус пиёда юрган одамдан озгина тез юради.

Мен ўзим буни кузатдим, бир куни Жиззах шаҳридаги 1-мактабнинг бекатидан автобусга чиқдим ва ЖДПУ бекатига 20 минутдан ортиқ вақтда етиб келиб тушдим, бу масофа 3 км ни ташкил этади. Мен ҳар куни бу масофани пиёда босиб ўтаман ва бунга 30 минут атрофида вақт сарфлайман. Бундан кўринадик, бизнинг шахримизда автобуслар пиёда юрган одамдан озгина тез юришади. Бир куни “Бу ҳайдовчини автобус бекатга тўхташи кераклиги умуман қизиқтирмайди шекилли” деб ўйлаб унга айтдим:

– Укажон, фақат бекатга тўхтанг, одамларни вақтини олаяпсиз. Ҳай-

довчи менга норози киёфада қаради ва:

– Олдин бекат қуриб қўйишсин, – деди. Мен яна “автобус бекатлари шаҳар марказида борку” дедим, у яна шу кайфиятда: “Бизда план бор, ака” деди.

Яхши, бу тушунарли, бозор иқтисодиёти, лекин чуқурроқ ўйлаб қарайдиган бўлсак, одамлар бизнинг шахримиздаги автобусларга кам чиқишининг асосий сабаби ҳам шу, яъни автобуснинг ҳар 20 метрга тўхташи эканлиги наҳотки ҳеч кимни қизиқтирмаса, бундан ташқари янги автобус ичидаги 30 нафардан ортиқ йўловчи билан ҳар ўттиз қадамга тўхтаб юраверса унга кетадиган харажатлар (ёнилғи мойлаш харажатлари ва эҳтиёт қисмлар) 1,5-2 баравар кўп бўлиши табиийку, нима учун йўловчи ташиш билан шуғулланадиган ташкилотлар фақат бугунги кунни ўйлашади. Бу автобуслар шахримизга ҳали кўп хизмат қилиши керак эмасми?

Назаримда бу масалани ҳал қилиш учун озрок эътибор ва маданият керак, ҳолос. Кузатишлар шуни кўрсатдики, ёши улғурок кишилар-

га автобуснинг ҳар жойга тўхтайвериши унчалик ҳам маъқул эмас, улар агар ўз манзилига юз метр қолган вақтда автобусни кимдир тўхтатса, яна тўхтатиб юрмайин деб шу жойга тушиб, қолган масофани пиёда босишади. Ёшларимизга эса бунинг кизиғи йўқ уларнинг наздида – “2000 сўм бердимми хоҳлаган жойга тушишим мумкин”.

Авалло биз кўчанинг хоҳлаган жойида туриб автобусга қўл кўтаришимиздан олдин ёшнинг иссиқ кунида унинг ичида қанча одамнинг вақтини олиб, асабларини бузишимиз мумкинлигини ўйлаб кўришимиз керак. Автобусларнинг ойнасига ёки йўловчиларга кўринадиган жойга – “Автобус бекатларда тўхтади, автобусни бекатга бормасдан тўхтатиш бу маданиятсизликдир” деб ёзиб қўйилса бўлди. Буни бир ўқиган одам автобусни бекатда кутиши турган гап. Ахир биз ориятли халқмиз, биз автобусни бекат йўқ жойда тўхтатиб унга чиқсак ва бояғи ёзув тепамизда турса, бу бизга маъқул келмайди. Нима дедингиз?

Бахриддин ЎРОЛОВ,
ЖДПУ Маркетинг ва
талабалар амалиёти бўлими
мутахассиси



“ЯШАМОҚЧИ БЎЛСАНГИЗ, ДОРИ ИЧМАНГ!”

Танишларимиздан бири ёш фарзандидан айрилди. Унга ҳамдардлик билдирар эканмиз, нима деб юпатишни ҳам билмасдик. Ахир, фарзанд инсон ҳаётининг борлиғи, қувончи ҳисобланади.

“Боламнинг иссиғи чиқди, — дея гап бошлади у. — Дарҳол дорихонага югурдим. Боргач, “Менга дори керак, иситмага”, деб айтдим. Сотувчи хилма-хил иситма туширишга оид дориларни кўрсатди. Улардан бирини танлаб уйга йўл олдим. Боламга ичирдим. Аммо боламнинг иссиғи тушавермади. Шифокор чақиришимга тўғри келди. У боламни кўриб, оддий шамоллаш, грипп эканлигини айтди ва дори ёзиб берди. Мен у айтган дориларни ҳам тезда топиб келдим ва рецептига қараб ичириб турдим. Дори берганимдан сўнг бир соат ўтгач боламнинг кўзи орқага кетиб, типирчилай бошлади. Кўрқиб “Тез ёрдам”ни ҳам кутмай шифохонага югурдим. У ерда зудлик

билан жонлантириш бўлимига олиб киришди.

“Наҳотки, наҳотки оддий шамоллаш шундай аҳволга туширса?” “Ахир, биз ҳам шундай шамоллаб, тузалиб катта бўлганмизку”. “Нега?” “Нимага?” “Нима учун?” Шундай саволлар билан ўзимни сўроққа тутиб турганимда, шифокорлар кўринди ва “Узр, қўлимиздан келган ҳамма нарсани қилдик!...” дейишди.

Ерга куладим. Кўзимни очганимда эса “Туш кўрдим, туш кўрдим. Бу албатта туш”, дея ўзимга ўзим тинмай гапирар эдим. Болам оддийгина шамоллашга бериладиган доридан вафот этди. Нима учун бу дори менинг фарзандимда синалди. Наҳотки, дорилар текширилмай, мўмай даромад учун сотилаверса. Инсон қадр шунчалар ўринсиз бўлиб қолаверадими? Менинг хулосам шу: яшамоқчи бўлсангиз, дори ичманг!”

Шоҳиста АБДУСАЛОМОВА
ЎзДЖТУ талабаси

ЭЗГУЛИК УНУТИЛМАЙДИ


Ёшларнинг баркамол авлод бўлиб улғайиши йўлида тинимсиз меҳнат қилган азиз устозларнинг хотираси қалбимизда мангу яшайди. Уларнинг ибратли умри жонажон Ватанимизга фидойилик, эл-юрт тинчлиги ва келажаги учун, керак бўлса, жонини ҳам беришга тайёр тура олиш борасида ёшларимиз учун доимо ўрнак ва намуна бўлиб хизмат қилади.

Навоий вилояти Хатирчи туманидаги 11-мактабда 8, 11-синфлар ўртасида ташкил этилган “Хотира турнири”да шу ҳақда сўз борди. Мазкур тадбир мактабни 1992-йил битирган синфдошларнинг шахсий ташаббуси билан уюштирилди.

Мусобақанинг якуни тантанали равишда ўтказилиб, марҳум устозлар хотирланди, уларнинг амалга оширган ишлари тўғрисида бугунги ўқувчиларга сўзлаб берилди. Кутубхона фондига китоблар топширилди.

Хусан ХАИТОВ,
Ўзбекистон Республикаси Қуrollи Кучлари академияси
доценти





ДАСТУРХОНЛАР НОНГА ТЎЛСИН

Мамлакатимизда жорий йилги буғдой ҳосилини нес-нобуд қилмасдан, бир маромда сифатли қилиб ўриб йиғиб олиш учун барча кучлар сафарбар қилинган. Айниқса, ғалла ҳосилини тез ва унумли йиғиштириб олишда техникаларнинг ўрни катта.

Буни юракдан чуқур ҳис этган “ADZ Oqqo`rg`on don Agro Klasster” МЧЖ жамоаси мавсумни уюшқоқлик ва юқори суръатда ўтказиш учун бор имкониятларни ишга солган.

Оққўрғон туманида 2023 йилги

ғалла ҳосили учун 224 та фермер хўжаликларининг жами 11 100 гектар ер майдонларига бошоқли дон экилган бўлиб, ҳозирда ҳосил айти маромига етган. Туман бўйича режага кўра 34.833 тонна ғалла топшириш

белгиланган бўлиб, шундан 30.092 тонна товар дон ва 4742 тонна уруғлик дон топшириш кўзда тутилган.

Айни шу кунларда 20 та отряд тузилган бўлиб, отрядларга 80 нафар масъул ходимлар жалб этилган. 4 та сектор раҳбарлари ўз ҳудудларидаги ғалла майдонларини тўлик назоратга олишган. Туман ҳокими, прокурор, Ички ишлар бўлими бошлиғи, туман ДСИ бошлиғи кечаю

кундуз ўрим – йиғим қатнашчиларининг ҳузурда бўлиб, уларга яқин кўмакчи ва елкадош бўлиб турибди.

Ўримда жами комбайнлар сони 20 та, шундан 6 таси “Кейс”, 3 таси “Ню холанд”, 5 таси “Класс доминатор” ва 6 таси “Вектор” русумли ўрим комбайнларидир. Юк ташувчи автомобиллар эса 100 тани ташкил этади.

Албатта, мавжуд бошоқли дон экинларини, етиштирилган мўл ҳосилни тез ва қисқа муддатларда ўриб йиғиб олиш учун отрядларимиз шай ҳолатда турибди. Ишчи - хизматчилар учун барча қулайликлар, шарт – шароитлар яратиб берилган. Ишни уюшқоқлик билан олиб бориб, қисқа фурсатда ҳосилни нобуд қилмай йиғиштириб оламиз. Бунинг учун бизда барча имкониятлар етарли. Асосий мақсадимиз мамлакатимизнинг улкан дон хирмониға ўзимизнинг сифатли ғалламиз билан муносиб улуш қўшишдан иборатдир.

Шухрат ҲАМРОҚУЛОВ,
“ADZ Oqqo`rg`on don Agro Klasster” МЧЖ директори

КУМУШ ТОЛА МАЛИКАСИ

Айни шу кунларда Пискент туманида пилла топшириш авж паллада. Пиллани етти хазинанинг бири, дея бежизга айтишмаган. Жорий йилда пилла етиштириш учун 2700 қути ипак қурти режага киритилган бўлиб, 157,0 тонна кумуш тола етказиб бериш кўзда тутилган. Ушбу жараёнларда 2890 та звено ипак қуртларини боқишда қатнашаётир.

Шуни мамнуният билан айтиш мумкинки, давлатимиз томонидан пиллачиликни ривожлантиришга катта эътибор қаратилаётир. Бизда қўлланилаётган тажриба дунёнинг ҳеч бир мамлакатига учрамаса керак. Эътибор беринг, ипак қурти боқиш учун шуғулланадиган аҳоли даромад солиғи тўлашдан, иш ҳақидан олинадиган ижтимоий солиқдан, тутзорлардан фойдалангани учун ер солиғи тўлашдан буткул озод қилинган. Энг муҳими, фуқаро бир ой пилла боқиб, бир йилга тенг меҳнат стажига эга бўлади.

Ҳеч кимга сир эмас, бизнинг пиллачилигимиз оилавий уйдан ажралмаган ҳолда аҳолининг бандлигини таъминлайди. Бир қути ипак қурти парваришлаб, 2 миллиондан ортиқ даромад олаётган, ҳамда тутзорлардаги оралиқ экинларидан 5-10 миллион сўмгача фойда кўраётган оилалар талайгина. Демак, пилла бугунги кунда мамлакатимизда чинданда, катта даромад манбаига



айланиб бормоқда.

Санобар Жўраевани бугунги кунда нафақат Пискент туманида, балки бутун Тошкент вилоятида жуда яхши билишади ва қадрлашади. Салкам ярим асрдан буён шу соҳада самарали

Тўғриси айтганда, бу ажойиб аёл, меҳнаткаш она пиллани ўз ҳаёт мазмунига айлантириб юборган. Ҳозиргача шу соҳада 50 дан ортиқ шогирд тайёрлаган. Биргина мисол. Опанинг муносиб шогирдларидан бири Сарварбек Мамиров ёш бўлишига қарамай, жамоага раҳбарлик қиляпти.

меҳнат қилиб келаётган, ҳозирда пиллачилик илмининг академигига айланиб қолган Санобар опа асло тиниб-тинчимайди, ҳамаша пиллакорлар ёнида, улар ардоғида.

Пискент тумани “Агротилла” МЧЖ бош агрономи сифатида Санобар опа ҳеч вақт пиллакорлардан ўзининг зарур маслаҳатларини

аямайди, доимо куйди-пишди бўлиб юради. Тўғриси айтганда, бу ажойиб аёл, меҳнаткаш она пиллани ўз ҳаёт мазмунига айлантириб юборган. Ҳозиргача шу соҳада 50 дан ортиқ шогирд тайёрлаган. Биргина мисол. Опанинг муносиб шогирдларидан бири Сарварбек Мамиров ёш бўлишига қарамай, жамоага раҳбарлик қиляпти. Хитойда ўз малакасини ошириб келган бу йигит ипак қурти парваришлаш соҳасида яхшигина тажрибага эга бўлиб борапти.

— Ҳозирга қадар 100 тоннадан зиёд пилла қабул қилиб олинди. Белгиланган режа-топшириқларимизни тез кунлар ичида муваффақиятли удалаймиз, — дейди Санобар Жўраева. — Биз кумуш толамизнинг имкон қадар сифатли, юқори навларда бўлишини таъминлаёмиз. Бу борада пиллакорларимиз учун барча қулайликлар, шарт-шароитлар муҳайё қилинган.

Ашурали БОЙМУРОД

Спортчиларнинг халқимизга берадиган энг муҳим маҳсулоти – олимпиада медали. Чунки дунё микёсида давлатнинг спорт соҳасидаги салоҳияти вакилларининг олимпиадада қўлга киритган медаллари сони ва салмоғига қараб белгиланади. Шу боис давлат спортни ривожлантириш ва олимпиячиларни тайёрлаш учун маблағини аямайди. Юртимизда ҳам спортчиларга керакли шароитлар яратиб берилляпти. Яъни, спортчилар давлат маблағига қурилган спорт иншоотларида давлатдан маош олаётган мураббийлар қўл остида шуғулланишлари, халқаро нуфузли мусобақаларда, Осиё ва жаҳон чемпионатларида маҳоратларини ошириб, олимпиадада медаль олишлари учун барча шароитлар яратилган. Фақат спортчиларнинг тўрт йилда бир марта бўладиган олимпиадада медаль олишлари қолган, холос.

Афсуски, спорт аҳлимиз ўзларининг масъулиятли вазифасини тўлақонли хис қилишяпти, спортчиларимиз олимпиада медалларига сазовор бўлиш учун бор куч-иродларини сафарбар этишяпти дея олмаимиз. Бунинг учун икки йил олдин бўлган Токио олимпиадасини эслашимиз кифоя, вакилларимиз бу олимпиадада 3 та олтин ва 2 та бронза медалига сазовор бўлишди (медалларимизни санаш учун битта қўлдаги бармоқлар кифоя), Ўзбекистонимиз умумжамоа ҳисобида дунё микёсида 32-ўринни эгаллади. Албатта, бу натижа Ўзбекистонимиз шаънига ярашмайди.

Ҳолбуки, олимпиада оралиғидаги даврда спортчиларнинг пухта ҳозирлик кўраётганини, натижалари яхшиланиб бораётганини эшитдик, мусобақаларда олган медаллари билан мақтанганини, Токио олимпиадасида медаллар шодасини тақдим этамиз деган ваъдаларини тингладик, хуллас, офаринбозлик, дабдабозликларни кўрдик. Оқибатда эса, айрим федерациялар олимпиадага йўлланма ололмади, ёки олимпиадага борган кўплаб спортчилари медалсиз қайтиб келди. Шундай экан спорт федерациялари фаолиятини вакилларининг олимпиадада қўлга киритган медаллари сонига қараб баҳолаш мақсадга мувофиқдир. Негаки, медални гапирмай турайлик, олимпиадага ўз вакилларини юбора олмаётган, бу ҳақда ўйламаётган спорт федерацияларимиз ҳам бор. Спортчиларнинг халққа берадиган маҳсулоти эса олимпиада медали.

Халқимиз бежиз айтмайди: “Жўжани кузда санайдилар”. Ҳақ гап, спорт аҳлимиз ҳам медални олимпиадада санаш кераклигини кулоқларига қуйиб олсинлар. Ҳозир эса спорт аҳлимиз медални олимпиадада эмас, тайёргарлик давридаги ҳар хил мусобақаларда қўлга киритилган медалларни санашяпти. Ахир, ҳали-бери олимпиадага бора олмайдиган спорт федерациялари вакиллари ҳам қандайдир мусобақада медаль олади-да. Шунга ноғора чалиш шартми? Тўғри, улар ноғора чалиш билан ишлаётганини кўрсатмоқчи бўлишяпти, лекин бундан халқимизга не наф?

Бир неча йил илгари битта спорт федерацияси президентининг халқаро аэропортда ташкил қилган тадбири ёдимга тушди. Карнай-сурнай авжида, кўксига осилган медаллардан бўйни эгилган болаларга гулдасталар берилляпти, зарбоф тўнлар

Жўжани кузда, медални олимпиадада санайдилар!..

кийдириляпти. Федерация президентидан билдимки, “халқаро” мусобақага борган катнашчилар сонидан улар олган медаллар сони бир неча баробар кўп. Ундан сўрадим: “Мусобақада нечта давлатдан спортчилар катнашди?” “Ўттиз икки жамоа иштирок этди”, – дея гапни чалғитишга ҳаракат қилди. Саволимни қатъий такрорлагандим, мени билгани учун пичирлаб иқрор бўлди. Маълум бўлишича, хориждаги битта шаҳарга яқин қишлоқдаги спорт клубининг очиқ биринчилиги ўтказилган ва унга ўша атрофдаги қишлоқлардан 31 жамоа тўпланган, ўттиз иккинчиси бизнинг терма жамоа бўлган. Спорт клубларининг бундай очиқ биринчиликлари ҳар куни дунёнинг юзлаб жойларида ўтказилади ва уларнинг аксариятини ўз мамлакатларида ҳам билишмайди. Афсуски, ўша тадбирдан кейин оммавий ахборот воситалари спортчиларимизнинг Ўзбекистонни дунёга танитгани, Ватанимиз шухратини оширгани тўғрисида жар солишди. Спортчиларимиздан баъзилари келгусида олимпиада медалларини жонажон юртимизга олиб келишга ваъда беришди. Ҳолбуки, бу спорт тури ҳали олимпиада дастурига киритилмаганди.

Президентимиз Шавкат Мирзиёев Токио олимпиадасида иштирок этган спорт делегацияси вакиллари билан учрашувда сўзлаган нутқида долзарб масалага тўхталган эди: “Шу ўринда Олимпия ўйинларида жамоавий спорт турлари бўйича сезиларни натижага эриша олмаганимизни очиқ тан олишимиз керак. Бу ҳол мутасадди раҳбарларни жиддий ўйлантириши зарур”. Ҳозирги кунга-

ча жамоавий спорт турларида айнан шу маррага футбол олимпия терма жамоамиз яқинлашяпти. Бироқ, ҳамон футболчиларимизни олимпиада майдонларида кўриш орзулигича қолаяпти. Нега ёш футболчиларимизнинг маҳоратлари тўла очилмай йўқолиб кетишяпти? Улар Осиё ва жаҳон биринчиликларида чиройли ўйинлари билан қалбларимизда умид уйғотишгандику!

Ўзбекистон Қаҳрамони, халқ шоири Абдулла Орипов куюниб ёзганди-

футболчилар ўртасида ўтказилган жаҳон биринчилигидан вақтли қайтиб келган терма жамоамиз аъзолари кутиб олинди ва мутасаддиларимиз “Ўз ишингизга бундан кейин профессионалларча ёндошинлар, бутун куч-иктидорингизни сафарбар этиб, юртимиз олимпия ва миллий терма жамоалари таркибидан ўрин олишга ҳаракат қилинлар” каби ҳикматли гаплар айтишди. Агар бу гаплар Тошкентда якунланган Осиё биринчилигидан кейин айтилганда янада яхшироқ бўларди.

Яқинда Мадриднинг “Реал” клуби 100+20 миллион евро тўлаш шарти билан Дортмунднинг “Боруссия” клубининг 19 ёшли ярим ҳимоячиси Жуд Беллингемни ўз сафига қўшиб олди. У бизнинг 20 ёшгача бўлган терма жамоамиз аъзоларига тенгдош. Биз эса ҳамон футболчиларимизни ёш деб ўйлаймиз, олдларига катта талабларни қўймаймиз. Олдига катта мақсадларни қўймаган ёш футболчилар эса ҳеч қачон катта муваффақиятларга эришмайди. Агар футболчилар, спортчилар олдларига катта мақсадни қўйишмаган бўлса, биз уларга эслатиб турайлик: “Жўжани кузда, медални олимпиадада санайдилар. Кучли эканлигини олимпиадада исботланлар”.

Президентимиз спорт делегацияси вакиллари билан учрашувда сўзлаган нутқида 2024 йилда ўтказиладиган олимпиадада эришилиши лозим бўлган маррани белгилаб берди: “Парижда бўлиб ўтадиган навбатдаги ёзги олимпиадага 100 дан ортиқ лицензияни қўлга киритиш ва медаллар бўйича етакчи 15 та мамлакат каторидан жой олиш учун ҳамма имкониятларимиз бор”. Агар Токио олимпиадасида 15-ўринни эгаллаган Венгрия терма жамоаси 6 та олтин, 7 та кумуш, 7 та бронза медалига сазовор бўлганини ҳисобга олсак, Парижга борадиган вакилларимиз 20 тадан кўпроқ медални қўлга киритишлари, улардан камида 7 таси олтин медаль бўлиши керак.

Токио олимпиадасидан бронза медали билан қайтган эркин курашчимиз Бекзод Абдурахмоновнинг айтган куйидаги сўзлари ҳамон қулоғимда: “Беш йил яратиб берилган шароитлардан фойдаланиб натижа кўрсатмасак, уят бўларди”. Уят нималигини биладиган шундай спортчимиз борлигига шукур. Имоним комил, Бекзодга ўхшаш ориятли спортчиларимиз сафи кенгайди ва улар Париж олимпиадасидан бошлаб юртимизга қўша-қўша медалларни тақдим қилишяпти.

Маълумки, Париж олимпиадаси 2024 йил 26 июль куни бошланади. Ҳа, жуда оз фурсат қолди, ҳар дам ганимат! Бизнинг спорт федерацияларимизга тилагимиз ҳамини эзгу: “Сизга Париж олимпиадасида олган медалларингизни санаш насиб этсин”.

Асрор МЎМИН,
Ўзбекистонда хизмат
кўрсатган журналист

Аргентинада 20 ёшгача бўлган



ШУКРОНАЛИК — ИНСОНИЙЛИК НАМУНАСИ

Маълумки, шукроналик ҳаётдан мамнунликни, мамнунлик мустаҳкам ишонч, ўз ишига боғлиқлик, эътиқодий барқарорликни ифода этади. Халқимиз тарихида Абу Наср Форобий, Алишер Навоий, Заҳириддин Муҳаммад Бобур ва бошқа кўплаб буюк аждодларимиз ҳаётда завқ билан яшаш, эртанги кунга ишонч, розилик ва шукроналик, мамнунлик ғояларини тараннум этганлар.

Умрдан мамнунлик, ҳаётга завқ билан қараш муқаддас китобимиз Қуръони Каримда алоҳида қайд этилиб, шукроналик ҳар бир мўмин-мусулмон учун фарз-вожиб даражасида эканлиги уқтирилади.

Қуръони Каримнинг Иброҳим сураси 7-оятда шукр қилгувчи одамларнинг ҳар икки дунёда ҳам бахт топишлари ёзилган: «Қасамки, агар (берган неъматларимга) шукр қилсангиз, албатта (уларни янада) зиёда қилурман.», деб қайд этилган.

Алишер Навоий шахзода Бадиуззамонга ёзган мактубларидан бирида мақсад хусусида шундай ибратли фикрларни баён қилади: «Одамнинг мурод-мақсади бўлмаса балолардан омон қолмайди. Аммо ҳар кишининг муроди кўпроқ бўлса, ҳақ-таоло амрига итоати ҳам кўпроқ бўлади.» Демак, ёшларда даставвал мақсад тарбиясини йўлга қўйиш, уларнинг онги, қалбида келгуси ҳаёт орзуларини таркиб топтириш, тинчлик ва фаровонлик неъматларига шукрона келтириш туйғусида тарбиялаш ўта муҳим масаладир.

Улуғ мутафаккир Алишер Навоий қаноатсизлик инсонни ҳаётда бетайинликка олиб келишини ўзининг «Маъжолис ун-нафоис» асариде сабрсиз, ношукур шахсларнинг ўз умрларидан барака топмаганликлари орқали ёрқин тасвирлаб берган.

Жамиятда шукроналик, одамларда розилик туйғулари ўз-ўзидан шаклланиб қолмайди. Бу жараёнда халқимизнинг амалий саъй-ҳаракатлари катта аҳамият касб этади. Мазкур омилнинг нечоғли муҳимлигини Юртбошимиз алоҳида таъкидлаб, шундай деган эди: «Такрор-такрор айтаман, биз аввалам-

бор одамларимизни рози қилишимиз керак. Биз қачон кучли ва қудратли бўламиз – қачонки одамлар бугунги тизимдан, бугунги ҳаётдан рози бўлса. Шундагина бу ҳолатни ҳеч ким енга олмайди».

Ҳаётдан розилик эса билимларга эғалик омилига ҳам бевосита боғлиқдир. Улуғ аждодимиз Абу Райҳон Беруний «Билимсиз одам хурофотга мойил бўлади», деб бежиз айтмаганлар. Шундай экан, бугунги ёшларни билим ва маърифатга даъват этиш давлатимиз сиёсатининг устувор масаласига айлангани фикримизнинг далилидир.

Шукроналик юрт тинчлиги, омонлиги омилига бевосита боғлиқдир. Одамлар дуога қўл очганда даставвал «тинчлик, омонлик бўлсин» дейишлари бежиз эмас. Дарҳақиқат, дорилмон замон, фаровон турмуш, давра давроннинг пойдевори тинчлик, омонликдалиги, осойишта турмуш нечоғлик буюк кадрият эканлиги бугунги кунда айниқса рўй-рост кўринмоқда. Дунёнинг турли томонларида юз бераётган ола-тасир тўполонлар, жангу муҳорабалардан юртимизнинг фориглиги аввало тангри-таолодан бўлса, иккинчидан донишманд юртбошимизнинг келажакни башорат қилувчи фазилатларидан, эл-юрт ташвишида ҳормай-толмай тинимсиз қилаётган саъй-ҳаракатларидандир.

Шукроналик ҳалол меҳнат, эзгу мақсадлар, тўғри ҳаракатга ҳам боғлиқдир. Агар эътибор қилинса, улуғ аждодларимизнинг ҳар бири ҳалол меҳнати, ўз касби, ижодига сандоқатни муқаддас билганлар, элга наф-фойда келтиришни ўйлаб яшаганлар. Баҳоуддин Нақшбанд ҳаз-

ратларининг устозлари Мир Кулол ўнлаб шогирдлар, етим-есирларни ҳалол меҳнатлари билан, кулолчилик касби орқали олинган насиба билан улғайтириб, кунт билан илм эгаллашга ўргатиб, тарбиялаб элга қўшган бўлсалар, Алишер Навоий бобомиз ўзларининг катта мулкларидан фақат озгина ризқларини олиб, қолган барча бойликларини эл-юртга тўйдириш, илм-маърифат масканларини қуриш, одамлар ҳаётини обод қилишга хисса қўшганлар. Худди шундай мисолларни Абу Райҳон Беруний, Ибн Сино, Нажмиддин Кубро, Хожа Аҳрор Валий ва бошқа ўнлаб улуғ сиймолар ҳаётида ҳам кўриш мумкин.

Миллий истиқлолга эришганимиз, халқимизнинг асрий орзулари ушалгани, озод ва обод жамиятда тинч ва осуда яшаётганимиз, маънавий меросимизнинг тикланаётганлиги, ватанимизнинг кундан кунга чирой очиб бораётганлиги, турмушимиз фаровонлашаётганлиги жамиятимизнинг ҳар бир аъзоси учун чексиз-чегарасиз шукроналик манбаидир. Шукроналик туйғуси аҳоли турли табақаларига қирувчи ёши, жинси, миллати, мулкий даражаларидан қатъи назар барча фуқаролар учун энг муҳим фазилат сифатида шакллантирилиши бугунги дорилмон давр учун ўта долзарб тарбиявий вазифа ҳамдир.

Жаннатмакон юртимизда тинчлик, тотувлик, аҳил-иноқлик, тилимиз ва дилимизда шукроналик бор экан, бу улуғ неъмат йиллар ўтгани сари янада навқиронликка, етук ва баркамолликка юз тутиши, юртимизда жаҳоннинг ривожланган мамлакатларидаги юксак турмуш тарзидан асло кам бўлмаган ҳаёт тарзи, завкли умргузаронлик қарор топиши шак шубҳасиздир.

Ҳилола МУРАТОВА,
Республика Маънавият ва
маърифат маркази Жиззах шаҳар
бўлиммаси раҳбари

ЖАМИЯТ
BONG.UZ

Муассис:

Ўзбекистон
Республикаси
Экология,
атроф-муҳитни
муҳофаза қилиш
ва иқлим ўзгариши
вазирлиги

Бош муҳаррир
Мақсуд
ЖОНИХОНОВ

Газета тахририятнинг
компьютер бўлимида
саҳифаланди.
«Шарқ» нашриёт-матбаа
акциядорлик компанияси
босмаҳонасида чоп этилди.

Манзил:

Буюк Турон кўчаси 41.
Буюртма рақами Г-610
Адади: 1015.

Пайшанба куни чиқади.

Қоғоз бичими А-3,
ҳажми 3 босма табок.

Баҳоси келишилган нарҳда.

Газета Ўзбекистон
матбуот ва ахборот
агентлигида

2006 йил 0010-рақам билан
рўйхатга олинган.

ISSN 2010-7722

Газетанинг полиграфик
жиҳатдан сифатли чоп
этилишига «Шарқ»
нашриёт-матбаа
акциядорлик компанияси
масъул.

100000, Тошкент шаҳри
Матбуотчилар кўчаси 32.
Маълумот учун телефонлар:

71-233-72-77,

71-233-91-55

Реклама ва эълонлар учун:

Электрон почта:

jamiyat@umail.uz

Газета индекси — 131
«ЖАМИЯТ» дан олинган
маълумотларда манба
сифатида газета номи
кўрсатилиши шарт.

Топширилган вақти:

20:00

1 2 3 4 5 6

Эълон.

Адлия вазирлиги томонидан 2020 йил 22 апрелда 324р-сон билан руйхатдан ўтган Хоразм вилояти "Муҳаммад Охун бобо" жамоат бирлашмасига 2023 йил 9 май куни фуқаролардан хайрия сифатида 3375 000 сўм келиб тушган.

“ҲАЛОЛЛИК ВАКЦИНАСИ”ГА

МУҲТОЖМИЗ

(Боши 1-саҳифада)

– Афсуски, шундай бўлди, – давом этди ота, – бир фермерга арзон гаровга янги трактор билан битта юк машинаси келтириб бераман деб, икки юз саксон миллион сўм пулини қаергадир кўчирмоқчи бўлиб турганда банк ходимларидан бири таниб қолиб, ишни дарҳол тўхтатибди. Мишабой пулни техника учун эмас, одатдагидек еб кетарга ўзига ўхшаган бир фирибгарнинг ҳисоб рақамига кўчираётган экан. Мана, энди иши судда. Эшитишимча, бошқа қинғир ишлари ҳам очилаётган эмиш.

Ёши олтимишдан ошган бу одам бирон бир жойда ишламаса, тайинлик турар жойи бўлмаса, дайдига ўхшаб ҳали у ерда, ҳали бу ерда санғиб юрса, ўтганнинг ўроғини, кетганнинг кетмонини олиб, қинғирлик билан кун кўрса. Бировдан уялмаса, зиғирча ор-номуси, виждони бўлмаса. На каттанинг, на кичикнинг гапи таъсир қилмаса. Қип-кизил муттаҳам. Эсиз унга Мухаммад деган исм. Шунақаларни ер ютиб юбормаганига хайронман...

– Ҳар ким экканини ўради ота, – аччиқлангандек бўлди ўғил. – Мана энди умри панжара ортида ўтади. Бу ер ютгандан ҳам ёмон.

– Товба-товба, – деди ота ёқасини ушлаб. – Худонинг ўзи асрасин!

Шаҳзод инглиз тили фанидан тест топширишга тайёр эканлигига ишонч ҳосил қилгач, дафтар-китобларини йиғиштириб, бобосининг олдида чиқди. У бобосини ўзига энг яхши суҳбатдош деб билар, унинг таълим-тарбия билан боғлиқ ҳаётий ҳикояларини берилиб тинглар, уларнинг тугаб қолмаслигини истар, навбатдаги мулоқотни соғиниб кутарди.

– Мактабдаги ишларингиз тугай деб қолдимми болам? – деб сўради.

– Охирги тест эртага, – хотиржамгина жавоб берди набира. – Сўнг битта амалиёт қолади.

– Тестни “аъло”га топширишингизга ишонаман, – деди бобо кулиб. – Аммо, амалиётингиз нималигини биллолмадим.

– Ўқувчининг амалиёти нима бўларди ота, – деди ўғил норози бир оҳангда, – борса мактаб худудини йиғиб-йиғиштиради, супуради. Бор-маса пулини бериши керак. Аммо, шунча ўқувчи битта мактабнинг нимасини йиғиб-йиғиштиради?

– Ё товба! – деди ота ҳам ғалати бир оҳангда. – Неча кун экан, ўша амалиётинг?

– Ўн беш кун.

– Ўн беш кун фақат супир-сидир билан шуғулланасизларми?

– Менимча шундай.

– Қизиқ, – деди бобо қошларини чимириб. – Амалиёт деганинг барча синф ўқувчиларигами?

– Битирувчи синф ўқувчиларидан ташқари ҳаммага!

– Ҳамма деганинг 1,5-2 минг ўқувчими?

– Уч мингга яқин.

– Хўш, ўн беш кунга қанча тўлаш керак экан?

– Ўн беш минг сўм!

– Ўн беш минг сўмдан бўлса, ўттиз-қирк милён сўм йиғилар экан-да-а?! Майли, баҳонада мактабнинг ками-кўсти битиб қолади. Қўйнингдан тўкилса қўнжингга деган

гап бор-ку, ахир. Шундай экан, бундан ранжимасанг ҳам бўлади ўғлим.

– Қўйнингдан тўкилса қўнжингга дейсиз-у, лекин, ҳали фаррошга, ҳали қоровулга, ҳали у жамғармага, ҳали бу жамғармага, ҳали таъмирлашга, ҳали ободонлаштиришга деб, йиғ-йиғ қўйнимизни куришиб юборади. Хайронман, синф хонаси бир йилда таъмирталаб бўлиб қоладими? Унга ҳам юз минг сўм беришим керак! Берсам, ўзим қийналаман. Бермасам, мендан ёмони йўқ. Амалиётга деб йиғилган пул мактабнинг кам-кўстига ишлатилади деб ўйлайсизми? Асло! Ҳаммагинаси жиғилдонга кетади. Мактаб эса оғзини очганча қолаверади.

– Бу гапларни мактабда – ота-оналар йиғилишида айтиш керак ўғлим, – деди ота набирасига бир қараб олиб. – Таълимга бизнинг давлатимизчалик кўп маблағ ажратаётган мамлакат йўқ. Таълимга бизнинг Президентимизчалик ғамхўрлик қилаётган бирон бир давлат раҳбари борми бу дунёда? Йўқ! Тўғри, мактабга ёрдам бериш, унинг ишларига фаол қатнашиш ҳар бир ота-онанинг бурчи. Лекин, бу фақат пул билан ўлчанмаслиги керак! Агар, чиндан ҳам шундай бўлса, унда таълим-тарбия ҳам шунга яраша бўлиши лозим!..

Ўғил чуқур хўрсиниб олиб, давом этди:

– Бу гапларни ота-оналар мажлисида айтиш керак дейсиз. Ота-оналар мажлисида таълим-тарбия масаласи бир четда қолиб, томдан тараша тушгандай гап у қолиб кетаяпти, бу қолиб кетаяпти, уни қилиш керак, бунини қилиш керакдан бошланиб, охир-оқибат яна “йиғ-йиғ”га бориб тақалади. Жимгина эшитиб ўтираверамиз. Дамимиз ичимизда. Ташқарига чиқарайлик десак, боламиз ўқийди. Бу уларга ҳам сир эмас. Ишонмасангиз, ана, набиранинг ўзидан сўранг! Чунки, бу гаплар мажлисдан кейин ўқувчилар даврасида давом этади. Мана сиз, умрингизни мактабда ўтказиб, ҳеч бўлмаса велосипед миндингизми? Йўқ! Йигирма йилдан кўпроқ директорлик қилиб, бир марта санаторийда дам олдингизми? Йўқ! Ҳозирги мактаб директорларига қаранг, остида бизнинг машина эмас, чет элники. Қўйилмисиз?

– Отам бу гапларни энди эшитаяпти деб, ўйлама ўғлим. Қишлоқда яшасак ҳам шаҳарнинг об-ҳавосидан бохабармиз. Модомики, мактабда конунга, таълим-тарбияга зид ишлар авж олаётган экан, энг аввало, маҳалла нега тил тишлаб ўтирибди? Унинг фаоллари-чи? Ёки улар ҳам шерикми? Агар, маҳалла аҳил бўлса, ундан бирон бир муаммо кочиби кутулолмайди. Ахир, ёшлар кимдан ўрганади, кимдан ибрат олади? Албатта, катталардан. Аслида, ҳамма гап бу ёқда экан-у, биз бўлсак, Мишабойдан хафа бўлиб ўтирибмиз.

– Маҳалламизнинг раиси бизнинг Сайфулла акага ўхшаган эмас, ғирт арокхўр, – деди ўғил мийиғида жилмайиб. – Шамол бўлса-бўлмаса чайқалиб турадиган дарахтга ўхшайди. Бунақа одамдан бир нарса кутиб бўлармиди?

Суҳбатга набира қўшилди:

– Биласизми бобожон, унинг пиёнисталигини ҳамма болалар билади. Устидан кулиб юришади. Кўпинча дўконнинг орқасида ер билан битта бўлиб ётади.

– Шунинг учун ҳам маҳалла хароб бўлиб қолган экан-да, – деди ота хуноби ошиб. – Эрталаб келаётганимда ҳаммаёқ ахлат босиб ётганлигини кўриб, ўзим ҳам хайрон бўлган эдим-а. Ким айтади бу ерни шаҳар маркази деб. Ахир, маҳалла оксоқолининг бу ахволда юриши шармандалик-ку. Нахотки, уни тартибга чақирадиган одам бўлмаса? Фаоллар-чи, фаоллар қаёққа қарашаяпти?

– Фаоллар ҳам, аҳоли ҳам қўлини ювиб қўлтиғига уриб бўлган.

– Сабаб?

– Халқ ўзи сайламаган бетайин, ёлғончи ва фирибгар оксоқолга кулоқ тутганини қаерда кўргансиз, ота?

– Маҳалла халқники ўғлим. Бургага аччиқ қилиб кўрпани куйдириб бўлмайди. Ёши улуг отахонлар билан маслахатлашиб, масалани тегишли идора раҳбарлари олдида кўндаланг қўйилса, ўйлайманки, ҳар қандай муаммони ҳал этиш мумкин.

– Худди мана шунга эриша олмаяпмиз. Ҳамма ўзини олиб қочадиган бўлиб қолган.

– Буни лоқайдлик дейдилар ўғлим. Энг ёмон иллат ҳам шу. Бундай иллат бор жойда тинч-тотув яшаш ҳам қийин. Шундай экан, уйингни сотиб, одамлари аҳил, меҳр-оқибатли бир маҳалладан жой олганинг маъқул. Фарзандларингнинг келажагини ўйлайдиган бўлсанг, шундай йўл тутишга мажбурсан. Бошқа бир маслаҳат беришга ожизман ўғлим. Энди бобо бола бир суҳбатлашсак, майлими?

Набира бобоси билан гурунглашиш имкони туғилганидан суйиниб, мулойимгина кулиб қўйди.

– Қани менга айтингчи болам, – деди бобо набирасининг эътиборини ўзига тортиб, – мактабингизда менинг тенги муаллимлар ҳам борми?

– Бор! – деди Шаҳзод тест саволларига жавоб бераётган ўқувчидек ўзини жиддий тутиб.

– Кўпми?

– Беш олтига бўлса керак.

– Улардан биронтаси сизларга ҳам дарс берадими?

– Ҳа, иккитаси.

– Дарсни яхши ўтадимми?

– Унчалик эмас.

– Уларнинг нечтаси аёл ўқитувчи?

– Ҳаммаси.

– Айтингчи, мактабингизда тахминан нечта эркак ўқитувчи ишлайди?

– Саккиз-ўн та.

– Ёшми ёки кекса?

– Қирқ беш-эллик ёшларда бўлса керак.

– Ўшаларнинг сизларга дарс ўтадиганлари ҳам борми?

– Бор!

– Дарсни яхши ўтадимми?

– Ҳа, яхши ўтади.

– Синфингизда аълочилар кўпми?

– Ҳақиқийси уч-тўртта. Қолган-



лари пул билан “аъло” ўқийдиганлар.

– Сизга ўхшаб, ўқишга қўл телефонисиз борадиган ўқувчилар ҳам борми?

– Деярли йўқ! – деди Шаҳзод ўзида телефон йўқлигидан ўксингандек. – Ҳаммасида бор! Қиммат-қиммат телефонлар.

– Қиммат телефон кўтариб юрган ўша ўқувчиларнинг ўқиши қандай?

– Кўпчилигиники яхши эмас.

– Бунга ўқитувчиларнинг муносабати қандай?

– Ёш ўқитувчиларнинг кўпчилиги каттикқўл, – деди Шаҳзод ўша кайфиятда, – қолганларига барибир, индамайди.

– Ёши улуг ўқитувчилар-чи?

– Уларнинг умуман иши йўқ.

– Тушунарли ўғлим, тушунарли, – деди бобо чуқур ух тортиб. – Менинг тестимдан “аъло”га ўтдингиз. Яшанг. Жавобларингиздан шундай хулосага келдимки, мактабингизда таълим-тарбияни ўрнига қўйиш учун энг аввало, ёшини яшаб, ошини ошаган мен тенги ўқитувчиларни иззат-икром билан қарилик гаштини суришга кузатиб, ўринларини педагогик маҳоратга эга бўлган тажрибали эркак ўқитувчилар билан тўлдирилса нур устига аъло нур бўлур. Бундан таълим ҳам, тарбия ҳам ютади. Қолган масалаларни дадангиз билан гаплашганимиз маъқул. Сиз эса энди ётиб дам олинг, болам. Тунингиз хайрли бўлсин!

– Раҳмат бобожон, сизнинг ҳам тунингиз хайрли бўлсин!

– Эшитдингми, – деди ота ўғлига қараб, – мактаб ўқувчисининг билганлари шунча бўлса, билмаганлари қанча экан? Ойни этак билан ёпиб бўлмас деганларидек, ахвол шундай давом этаверса, ҳадемай “йиғ-йиғ”нинг қолган сирлари ҳам ошқор бўлмай қолмайди. Ёдингда бўлса, телевизорда аҳолига тиббий хизмат кўрсатиш нақадар аянчли эканлигини ҳар бир вилоят мисолида кўрсатишди-ку. Порахўри ҳам, таъмағири ҳам, қаллоби-ю, маънавий қашшоғи ҳам, пул учун соппа-соғ одамни майиб-мажруҳ қилганлари ҳам жазосини олди-ку. Тўғри, бу билан соҳа дарров оппоқ бўлиб қолгани йўқ. Лекин, арқон узун ташланганлиги сезилди. Бу арқон таълим соҳасига ҳам ташлаб қўйилган бўлса, вақти келиб, албатта, тортилади. Тортилганда ҳам шиддат билан тортилади. Ана ўшанда таълимдагиларнинг ҳам сараги саракка, пучаги пучакка ажралади қолади. Бунини айрим оёғи ердан узилганлар фаҳмлай олмаяптилар. Фаҳмлаганлари эса зару-зўрларига ишониб, ётиб қолгунча отиб қолай дея ўзларини чўгга уришдан ҳам қайтмаяптилар.

Буларнинг олдини олиш учун эса Президентимиз айтганидек, ҳалоллик вакцинаси жуда зарур.

Нуриддин ОЧИЛОВ.